

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 16 март. Шанба №22 (882) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли Ҳомийлик кенгашчи аъзолари ва мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига киритилган масалаларни қуриб чиқишдан олдин мамлакатимизда 2002 йил октябр ойида Ўзбекистон Президентининг фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг иш бошлаганига 10 йил тўлганини эслатиб ўтганини эслардим.

Шу муносабат билан Жамғарманинг ана шу ўтган даврдаги фаолияти натижаларини қисқача сарҳисоб қилсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада барчамиз учун эзгу мақсадимизга айланиб қолган вазифа — яъни «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгallaш демакдир» деган шioriни эслашимиз ўринли бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, Жамғармани ташкил этишда биз соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш насимизни турли салбий

таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни ўз олдимизга қўйганимизни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-онанинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқини юксак тараққиётга эришга олади.

Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Жамғарма фаолиятида асосий эътибор болалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуна ва инвен-

тарлари билан жиҳозлаш, шунингдек, бу иншоотлардан самарали фойдаланишга қўлақчилик масалаларига қаратилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ўтган охириги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорт объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барпо этилган, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилганини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Бу мақсадлар учун 570 миллиард сумдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Биргина ўтган йилда 92 та болалар спорт объекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди.

Айтиш жоизки, юқорида келтирилган рақамлар фақатгина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишларни ифода этади.

Мамлакатимиз бўйича умум-

ман бугун мавжуд бўлган спорт объектилари ҳақида гапирганда қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш зарур.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт заллари ва коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоиз таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, фойдаланишга топширилган янги спорт иншоотларининг барчаси Ўзбекистон давлат архитектура ва қурилуш қўмитаси томонидан махсус ишлаб чиқилган замонавий намунали лойиҳалар асосида барпо этилди ва жиҳозланди.

Болалар спорт объектилари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжомлар билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз қорхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Айни вақтда спорт объектла-

ридан тўла ва самарали фойдаланиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга бўлган қизиқиши ва интилишини орттириш йўлида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорт объектиларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланаётгани ва бунинг натижасида ҳар қайси спорт иншоотининг қўндалик ўртacha бандлик даражаси 9,2 соғатга етгани, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимизнинг энг муҳим самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз учун яна бир муҳим масала — бу қизларимизни ёшлиқдан спортга жалб этиш, қизиқтириш билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Эртага она бўладиган, янги инсонни дунёга келтирадиган, оила ва жамият таянчи бўладиган қизларимизни ёшлиқдан спорт билан ошно этиш масаласига янада жиддий эътибор беришимиз, бу борада эскидан қолган қарашларга бутунлай чек қўйишимиз зарур.

Турли, биз учун қўп жиҳат-

дан янги спорт турларини улаштириш ва ҳаётга табиқ этиш мақсадида амалга оширилган ишларимиз мисолида сув спортини ривожлантиришга оид масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди.

Яратилган бундай кенг имкониятлар болаларнинг сув спорти турлари — сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, ватерпол билан оммавий равишда шуғулланиши учун хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз мамлакатимизда айни шу спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

(Давоми 2-бетда)

СПОРТ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР

Президент Ислам Каримов раислигида 15 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Мамлакатимизда жисмонан ва маънавий соғлом, ҳеч қандай кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавият, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз келажagini таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir. Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ишларнинг юксак самараларини бераётди.

Фарзандларимизни юксак билим ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камола етказишнинг бош омилли — болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спортини мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва 2004 йил 29 августда

қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎҚУВ-СЕМИНАР

УСЛУБИЙ ТАВСИЯ ВА ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлинмаси томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ҳудуд маҳаллаларида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг малакаларини ошириш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўқув-семинари ташкил этилди.

Тадбирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўшидаги «Ота-оналар университети» фаолияти ва мажбуриятлари, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада самарали йўлга қўйиш механизмлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда оилавий поликлиникалар ва маҳаллалар ролини кучайтириш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия маса-

лалари бўйича йиғин маслаҳатчиларининг асосий вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берилди.

— Маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган фаолиятни олиб бориш маслаҳатчиларнинг лизом-да кўрсатилган энг асосий вазифасидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлинмаси бош мутахассиси Г.Шорустамова. — Шундай оилалар ҳам

бўладики, улар муаммоларини маҳалладан яширишга уринади. Бундай вазиятларда йиғин маслаҳатчиси маҳалланинг жамиятдаги нуфузи, имкониятлари ҳамда ўз тажрибасидан кейиб чиқиб, «маҳалла ҳам ота, ҳам она» йўналишида иш кўриши, бундай оилалардаги муҳитни соғломлаштиришга ечим топиши зарур. Семинарда мутахассислар томонидан маслаҳатчиларга мураккаб ижтимоий-психологик ҳолатдаги оилалар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш юзасидан ҳам тавсиялар билдирилди.

Узаро тажриба алмашиш тартибиде ўтган тадбирда туман маҳаллаларида иш олиб бораётган маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Феруза ЭГАМОВА
«Mahalla»

ДИЛИНГ ОБОД

БОЛАЛАР – ДОИМИЙ ХИМОЯДА

Тошкентда ота-она меҳридан бебаҳра болаларни оила муҳитида тарбиялаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Sen Yolg'iz Etmassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

«Sen Yolg'iz Etmassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ўқув маркази директори Матлуба Охуннова, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Уринбосари Берина Арслангаич-Ибишевчи ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамоллигида Ўзбекистонда болаларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар эгаллиши учун барча шароит яратилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонунлари бу йўналишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Меҳрибонлик уйларида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларни оила шароитида тарбиялаш, соҳа мутахассисларининг касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Sen Yolg'iz Etmassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармасининг ижтимоий ҳимоя муҳож, мураккаб тақдирли болаларни оилавий муҳитда вояга етказиш, бундай оилаларни доимий қўллаб-қувватлаш, уларга зарур бўлган ҳуқуқий, маънавий, психологик қўмакни кўрсатишга қаратилган лойиҳалари уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом улайишига хизмат қилаётди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда болаларни ижтимоий муҳофаза тизимини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилиб, ҳамкорликдаги режалар белгилаб олинди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Янги қишлоқлар янада чирой очади



Сурхондарё вилоятидаги мавжуд 832 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш борасида ажойиб ташаббус билан чиқишди.

Ташаббус ҳоқимликлар, қорхона-ташкilot ва муассасалар жамоалари, муҳити, кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Бу ишга бевосита «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими раҳбарлик қилмоқда.

— Асосий эътибор замонавий асосда қурилган янги қишлоқ ва қўрғонлар яқинида боғлар ташкил этишга қаратилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Орал Абдуразақов.

Наврўз байрами арафасида вилоят ўрмон хўжалиги ва унинг Узун туман ҳудудий бўлимида етиштирилган 26,5 минг туздан зиёд олма, олча, гилос, шафтоли, анор ва бошқа мевали дарахт ниҳоллари вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатилди. Айни пайтда кучат экиш ишлари қизгин давом этмоқда.

Муҳаммад АЗИМОВ
«Mahalla»

ҲИСОБОТЛАР ЙИГИН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жиззах вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланади.



Ҳисобот йиғилишларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил қилишда масъул давлат органлари ва манфаатдор жамоат ташкилотлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

ри ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш ҳамда жамоат назоратини кучайтиришга қаратилган ишлар, ечимини кутаётган масалалар муҳокама этилди.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича йиғинлар ҳузурда ҳисобот беришлари давлат бошқарув идоралари билан фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ҲИСОБОТЛАР ЙИГИН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Мансабдор шахсларнинг «Иттифоқ» маҳалласида ўтказилган ҳисобот йиғилишида Бобур номидаги, «Бунёдкор», «Ешлик», «Маданият», «Сўлоқли», «Қалия» маҳаллаларидан 200 нафардан зиёд киши иштирок этди. Фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, профилактика инспекторлари қатнашган йиғилишда муҳим вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Шаҳар ҳокими Асрор Қобилов ҳудуднинг турт ҳокими бўлингани бошқарувни такомиллаштиришда қўл келатганига

муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ижтимоий шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга эришилди. Амалга оширилган ишлар бўйича ҳудудий штаб томонидан ҳар ҳафтада бир марта бериб борилаётган ахборот шаҳар ҳокимлигида ўрганилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари кўриломоқда.

Ҳамкорликда ишлайдиган шериклар аниқ Асосий масъулият эса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлини масъулиятга тушмоқда. Секторларда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳига Фонднинг шаҳар бўлини раиси раҳбарлик қилади. Айтиш керакки, Фонд ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, турмуш маданиятини ошириш, ободонлаштириш, тарбиявий ишларни яхшилашда ички ишлар бўлими, «Камолот» ЕИХ, хотин-қизлар ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги комиссиялар, кайвони отахону онахонларни жалб этишда мувофиқлаштирувчи вазифасини бажармоқда.

«Иттифоқ» маҳалласида 10 минг нафардан зиёд, «Ешлик» маҳалласида эса, 6,5 минг аҳоли кўпқаватли уйлари яшайди. Уларнинг ташвиши ҳам шунга яраша. Шундай экан, албатта, йиғинлардаги муаммоларнинг барчасини бир кунда ҳал этиш қийин.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан ечимини кутаётган муаммолар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамажон Ҳасанов уй-жой муқдорлари ширкатларининг маблағи камлиги туфайли коммунал тармоқларда юз берадиган фақуллада носозликларни тезкорлик билан бартараф этиш тизимларининг йўқлигини айтиб, махсус корхона ташкил этиш таклифини билдирди.

Ҳудуддаги 7-сон оилавий полик-

линика бош шифокори Исомқул Имомқулов тиббий муассаса биносини Республика Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказиб берилса, фойдалида қўлайлик яратиларди, деган мулоҳазани ўртага ташлади.

«Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Даман Охунов ҳудуддаги чиқиндиларни ташиб чиқарадиган замонвий махсус транспорт зарурагини айтиб, бу масалани тезроқ ҳал этишда кўмак сўради.

— Шаҳар ҳокими иштирокидаги бундай ҳисобот йиғилишлари 34 та маҳалла вакиллари иштирокида 8 та ҳудудда бўлиб ўтди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлини раиси Собир Орипов. — Бу йиғилишларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни, коммунал тармоқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг фаолиятини янада яхшилашда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, ижтимоий шерикликни кенгайтириш бўйича уттиздан зиёд таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан ўрганиб чиқилган бу таклифларни амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шундай ҳисобот йиғилишлари вилоятнинг барча туманларидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, давлат бошқаруви органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари соҳасига кирувчи масалалар юзасидан йиғинларда ҳисобот бериши муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш билан бирга, ижтимоий шерикликнинг янада раванқ топишида муҳим омили бўлаётди.

Бек НАЗАР.

< [1]

тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Секторлардаги штабларни бошқаришга шаҳар ҳокими, шаҳар прокуровори, ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари масъул этиб белгилангани ўз самарасини берди. Улар ўзлари бириктирилган секторларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудуднинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкиллаштиришда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат бирлашмалари билан давлат идоралари ва

ТАДБИР

Қонунлар лойиҳалари муҳокамаси

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро ҳудудий бўлини раиси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (қоқсоқли) ва унинг масъулчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари (янги таҳрир) лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирдилар.

Таъкидлангани, мамлакатимизда фуқаролик жамияти муҳим бўлини ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тобора ривожланиб, бугунги кунда илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган, ижтимоий аҳамиятга молик 30 дан ортқ вазифани бажариб келмоқда. Президент Исом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳақиқий демократия даражасига айланган мазкур органларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Қонун лойиҳалари ана шу асосда ишлаб чиқилиб, ҳуқуқат то-

монидан парламента тақдим этилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда мазкур органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, уларнинг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини кенгайтириш, маҳалла йиғинларини хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик марказларига айлантириш каби қатор таклифлар илгари сурилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (қоқсоқли) ва унинг масъулчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасига эса муқобиллик сайлов принципини киритиш, Сенат Кенгаши қошида тузиладиган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссиянинг мақоми ва вазифа-



ларини белгилаш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг масъулчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғини(вакиллар йиғинини) чақириш, овоз бериш тартиби каби жами ун тўртта қўшимча ҳамда ўзгартиш киритилиши кўзда тутилган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, унинг туман ва шаҳар бўлиналари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида ўтган мулоқот давомида иккала қонун лойиҳаси бўйича кўплаб амалий таклифлар билдирилди.

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

ҚАРОР ВА ИЖРО

БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ ВАЗИФА

Мамлакатимизда келажакимиз эгаларининг комил инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётди.

Бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида ёшлар тарбияси билан шугулланиш, уларни тугарақларга, спорт машғулотларига кенг жалб этиш, бандлигини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш, улар ўртасида тарбия-ташвиқот ишларини олиб бориш ўзасидан мониторингларнинг йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти Фарғона вилоятидаги 50 та шаҳарча, 139 та қишлоқ ҳамда 839 та маҳалла фуқаролар йиғини, яъни 1028 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолига атрофича тушунтирилди.

Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмақлашиб келаётгани яхши самара бермоқда.

Вояга етмаган ва ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий маънавиятимизга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳаракатларга қарши тарбия-ташвиқот ишларини манзилли ташкил этиш ҳамда миллий қадрият ва урф-одатларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни мавзусида икки мингдан зиёд тадбир ташкил этилиб, уларга 260 минг нафарга яқин ёш жалб этилди.

Ўсмирлар ўртасида ичкилик-бозлик, тамаки маҳсулотлари ёки гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида 817 та фуқаро-

лар йиғинида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 47 та семинар ва 2580 та давра суҳбати ташкил этилди. Мазкур тадбирларга 359667 нафар аҳоли, жумладан, 212463 нафар ёшнинг иштироки таъминланди.

Вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, тарбияси ҳамда уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган 6782 та тарбия-ташвиқот ишлари уюштирилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашда алоҳида мавқега эга. Шу боис вояга етмаганларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қўмақлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари томонидан 17170 та оила-га, Фонднинг вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлиналари томонидан эса 757 та оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

951 та нотинч оиланинг 1423 нафар, ички ишлар бўлиларида рўйхатга олинган 794 та ноҳил оилалардаги 1198 нафар фарзанд билан 1433 марта суҳбат ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, 470 та оила нотинчлигига барҳам берилди, 435 та оила яраштирилди.

Qishloq Qurilish Bank



Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ривожланишини, янги иш уринлари ташкил этилишини ва касб-хунара коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашни рағбатлантириш мақсадида, банк томонидан имтиёзли шартлар асосида молиявий кўмак бериш борасидаги тадбирлар доирасида банк, кичик бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Энг яхши ёш тадбиркор» номинациялари бўйича кўрик-танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

1. Танлов иштирокчиси	Кўрик-танловда қатнашиш учун ариза берилган кунда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда касб-хунара коллежлари битирувчилари.
2. Бизнес режаларни қабул қилувчи	ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг барча минтақавий ва туман филиаллари
3. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати	2013 йил 25 мартгача
4. Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати	2013 йилнинг 11-12 апрель кунлари «Bank Expo — 2013» кўргазмасида
5. Ютуқлар	Танлов ғолиблари махсус диплом, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади ҳамда банк кредитларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мурожаат учун телефонлар:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(361) 223-72-19, 770-61-66	Самарқанд минтақавий филиали	(366) 221-57-55, 210-02-56
Андижон минтақавий филиали	(374) 225-80-49, 298-04-55	Сурхондарё минтақавий филиали	(376) 227-51-67, 770-83-65
Бухоро минтақавий филиали	(365) 223-58-86, 770-00-80	Сирдарё минтақавий филиали	(367) 225-22-70, 221-00-60
Жиззах минтақавий филиали	(372) 223-55-08, 771-63-33	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371) 252-27-20, 150-79-10
Қашқадарё минтақавий филиали	(375) 223-18-85, 771-04-24	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371) 236-70-60, 150-77-02
Навоий минтақавий филиали	(436) 224-98-01, 770-27-95	Фарғона минтақавий филиали	(373) 222-56-64, 222-82-01
Наманган минтақавий филиали	(369) 223-04-35, 223-04-35	Хоразм минтақавий филиали	(362) 227-27-90, 770-43-80

Бош офис телефонлари:

(+99871) 150-76-57, 150-76-45

www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

лан шугуланаётганларни аниқлаш, улар билан профилактик тадбирлар олиб бориш, уларни ўқишга қайтаришни таъминлашга қўмақлаш мақсадида халқ таълими, ички ишлар бошқармалари билан биргаликда «давлат раёндари» амалга оширилган.

Ўтказилган тадбирларга давлат ва жамоат ташкилотларининг 310 нафар масъул ходими, хусусан, ички ишлар органларидан 102 нафар, таълим муассасаларидан 130 нафар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш орқали оилалар ва улардаги фарзандларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик тарбиясидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ўтган йили фуқаролар йиғинларида 896 марта туман (шаҳар) ҳокимларининг, туман давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг, хусусан, 322 марта туман (шаҳар) бандликка қўмақлаш марказлари, 329 марта туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, 387 марта халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, улар назоратсизлиги, қаровсизлигига барҳам бериш, таълим муассасаларидаги машғулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмасдан жамоат жойларида, айниқса, бозорларда савдо-сотқ би-



сасаларига 317 нафар маҳалла фаоли бириктирилган. Натигада, ижобий тарафга ўзгарган 423 нафар вояга етмаган профилактик ҳисобдан чиқарилади.

Мухтасар айтганда, маҳалла — тарбия бешиги. Шундай экан, ёшларимизни кўз қорачигидай рушда тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Мухбирларимиз.

СПОРТ

Футбол

Саралаш босқичларига тайёргарлик

✓ **Ўзбекистон миллий терма жамоаси «Осиё кубоги — 2015» ва «ЖЧ-2014» саралаш босқичларидаги навбатдаги ўйинларга тайёргарликни 18 март куни бошлайди.**



Миржало Қосимов қўлга остидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 22 март куни, «Осиё кубоги — 2015» саралаш «Е» гуруҳи 2-тур учрашуви доирасида БАА терма жамоаси меҳмони бўлади. Орадан тўрт кун ўтиб, 26 март куни эса Тошкентда «ЖЧ — 2014» саралаш 4-босқич «А» гуруҳи 7-тур учрашуви доирасида Ливан терма жамоасини қабул қилади. Терма жамоа аъзолари 20 март куни БААга жўнаб кетишади. Маҳаллий терма жамоа

қарши ўйинни ўтказиб, 23 март куни Тошкентга қайтишди ва Ливан терма жамоасига қарши ўйинга тайёргарликни пойтахтда давом эттиришади. Миржало Қосимов БАА ва Ливан терма жамоаларига қарши ўйинларга жами 23 нафар футболчини жалб этди. Улардан 10 нафар Осиё ва Европа клубларида туپ сураётган легионерлардир. Терма жамоага жалб этилган футболчилар орасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ва Тошкентнинг «Пахтакор» клуби ҳимоячиси Владимир Козак ҳам бор. У терма жамоа таркибидagi энг ёш футболчи бўлиб турибди.

Қиличбозлик

Вакилларимиз — шоҳсупада

✓ Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида яқунланган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди.



Нуфузли мусобақада қитъамизнинг 35 давлатидан келган спортчилар қиличбозликнинг турли йўналишлари бўйича голиблик учун куч синишти. Қизлар ўртасида шпагада ўтказилган беллашуларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Малика Ҳақимова Осиё чемпиони, деган сарафли номга сазовор бўлди. Иқтидорли спортчимиз Хитой Тайпейи вакиласи Я.Ченни 15:13, австралиялик А.Хюгесни

15:7, хитойлик Н.Ксюни 15:14 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи баҳсда ливанлик Д.Танноусдан 15:13 ҳисобида устун келган М. Ҳақимова олтин медаль билан тақдирланди.

Шпага бўйича жамоавий беллашуларда қатнашган Т.Абдувалиев, А. Носиридинов, Ж.Нурматов ҳамда В. Тихомоловдан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси Камбоджани 45:26 ва Сингапурни 38:33 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

ТААССУФ

ТИНЧ ЗАМИНДА ҚУРОЛ НЕ ДАРҚОР?

Яқинда телевидениеда кўрсатишди. Дунёнинг манаман деган давлатларидан биридаги мактабда кўнгилсиз воқеа содир бўлибди. Мактабга бостириб кирган қуроли шахс синфхонадаги болаларни отиб ташлаган. Шовқинли манзаралар, бақир-чақир авж олган, ота-оналарнинг кўзида эса даҳшат ва мунг қотиб қолган эди.

Шарҳловчилар, мутахассислар бу ҳолатнинг келиб чиқишини турлича талқин этишди. Бу ҳолатнинг асл сабаби омма орасида қурол олиб юришни кенг тарқалгани эди. Энди ушбу давлатларда қурол савдоси борасида қатор ислоҳотлар ўтказишга уринишлар бўлмақда. Аммо ажриқни даладан бирдан тазолаб бўлмаганидек, илҳиз опан қабозлар ҳам усиб чиқармоқда ва ўз салбий оқибатларини намойен этмоқда.

Инсон ҳаётида бир неъмат бор, барча эзгу ишларнинг дечбоси ундан бошланади. Тинчлик. Агар инсон тинч ҳаёт кечирмас экан, унинг ўзини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ҳаёт бардавонлиги, бунёдкорлик асоси бўлган ушбу неъматнинг қадри нақадар улуғлигини дунёда кечаётган салбий воқеалардан ҳамда юртимиздаги тинч-фаровон ҳаётдан қиёсан фарқлаш орқали кўриб туришимиз. Ушбу воқеаларни қурб экансиз, юртимиздаги ҳаёт барқарорлигига, яратилган имкониятларга бехавотир шукрона айтасиз, ён-атрофга ишонч билан боқасиз. Шукри, бизда тинчлик, осойишталик. Эрталаб фарзандингизни ўқишига ҳеч бир хавотирсиз кузатасиз. Узингиз ҳам ишга кўнгида ҳадиксиз, бехавотир йўл olasиз. Буларнинг барчаси ана шу тинчликнинг ҳосиласи, тинчлик бераётган медаллардир.

Аммо орамизда бунга бошқача кўз билан қаровчи, кўнгида, дилда гараз нияти бўлган кимсалар ҳам онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. Узқини кўра билмаслик, фаҳму фаросатдан йироқлик, ҳаёт мантигини тўғри баҳолаб олмаслик бу нафақат ўша шахс, балки юрт бошига баъзан гаввалар олиб келади. Мана шундай кишиларга эса ҳақимиз бир сўз билан баҳо беришади: тинч-осуда ҳаётга раҳна солиш. Тошкентлик Нигматжон Шариповнинг қилмишини ҳам шундай баҳолаш мумкин. Негаки, ёши олтишдан ораси ҳам унинг ақли кирмабди. Дунёга келган инсон борки, янада яхши яшаш учун ҳаракат қилади. Бунинг учун меҳнат қилиш, ўзи яшаётган ҳудудда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Шукри, юртимизда шундай ниятли инсонлар учун шарт-шароитлар, имкониятлар бисёр. Мамлакатимиз сиёсатининг бош тамойили — инсонлар самарали меҳнат қилиши ва эвазига яхши яшашига қаратилган. Ҳўш, шундай имкониятлар яратилган вазиятда қўйидаги ҳолатга қандай баҳо бериш мумкин?

Тошкент шаҳри Юнусобод туманида яшовчи Нигматжон Шарипов 2010 йилнинг май ойларида томорқасида ишлаб турганида бир донга ўқдор — патрон топиб олади. Ҳўш, айтايлик у топиб олади. У ёш булса — биладик, бу ўқ. Унга ҳеч қандай моддий ёки маънавий самараси йўқ. Инсон умрига зомин бўлиши мумкин бўлган восита. Шундай бўлса-да, уни олиб қўяди. Ишлагани мумкин ёки мумкинмаслигини билиш учун кечкурун ўғли Отабекка кўрсатмоқчи бўлади. Яна «неварларимнинг қўлига тушиб қолса нима бўлади», деган ўй билан уни ўғлининг жомадонига яшириб қўяди. Қарангки, шу-шу «эсидан чиқиб кетган», эмиш. Ҳар ҳолда инсонга манфаат берадиган бирон бир иш қуроли билан одамнинг умрига завола бўладиган ўқнинг фарқини билиш учун катта ақл ёки билим керакмас.

Нигматжон Шариповнинг «эси» эса хизмат сафари билан Нукусга учиб кетмоқчи бўлганида — текширув пайтида кирди. Хавфсизлик хизмати кўригидан ўтаётган вақтда, ўша «эсдан чиқиб қолган» ўқ жомадоннинг чўнтағида турарди. «Тошкент» аэропорти ТИИБ ҳамда МХХ ходимлари томонидан ушбу «совуқ матоҳ» далилий ашё сифатида олинди. Нигматжон Шариповнинг ўғлига бермоқчи бўлган «Ушбу ўқни ишлатса бўладими ёки йўқми» деган ўша саволга жавобни махсус экспертиза берди: ушбу 7,62 калибрли патрон «СКС» номли автоматик жанговар ўқотар қуролига тегишли ҳамда ишлатишга яроқли.

А.ҚУЛМУРОДОВ.

(«Qishloq hayoti» газетасининг 2013 йил 7 март сонидан олинди.)



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) ЖАМОАСИ

Ўзларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қўйидаги миллий валютадаги мўддатли янги омонат турини тақдир этади:

«НАВРЎЗ — 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш мўддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ҳар ойда ёки омонат мўддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

- Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгишни сақлашни ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази» ДК балансидаги 1989 й. и/ч, д/р 10AY415 бўлган «Т-1202» русумли ҳамда «O'ZCIBROMET» балансидаги 1984 й. и/ч, д/р 01/125LBA бўлган «УАЗ-452А» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганини маълум қилинади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар Ҳамза тумани бўлини маси жамоаси тумандаги «Катта қўйлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фатхулло Раҳимовга турмуш ўртоғи Мухтабар РАҲИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Mahalla ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-39-89

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликков Мусаҳҳиж: Н.Азимова Навбатчи: Н.Юнусова Нашр навбатчиси: Э.Жуманов Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси 32-уй Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кучаси 30.

24580 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6669 Тошириш вақти — 21.30 Тоширилади — 22.00